

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.04.2021.Ped.82.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ**

ОДИЛОВ ЁРҚИН ЖЎРАЕВИЧ

**ЧИЗИҚЛИ ВА ВИЗУАЛ ДАСТУРЛАШ АСОСИДА ФИЗИКА ЎҚИТИШ
МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (физика)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ – 2022

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Одилов Ёркин Жўраевич

“Чизикли ва визуал дастурлаш асосида физика ўқитиш методикасини
такомиллаштириш (“Дастурий инжиниринг” йўналиш мисолида)”..... 3

Одилов Ёркин Жураевич

“Совершенствование методики преподавания физики на основе
линейного и визуального программирования (на примере направления
“Программный инжиниринг”)” 23

Odilov Yorkin Juraevich

“Improving the methodology of teaching physics based on linear and visual
programming (on the example of the direction “Software engineering”)”..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 47

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.04.2021.Ped.82.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ**

ОДИЛОВ ЁРҚИН ЖЎРАЕВИЧ

**ЧИЗИҚЛИ ВА ВИЗУАЛ ДАСТУРЛАШ АСОСИДА ФИЗИКА
ЎҚИТИШНИ МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (физика)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси**
Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги **Олий аттестация комиссиясида**
B2020.1.PhD/Ped1378 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтида
бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб
саҳифасида (www.qarshidu.uz) ҳамда "ZiyoNet" Ахборот таълим порталида
(www.ziyounet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Турсунов Икромжон Гуламжонович
физика-математика фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Эргашов Муҳаммадрасул
техника фанлари доктори, профессор

Абдиев Умирбек Бегматович
педагогика фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети


Диссертация ҳимояси Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти
хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.04.2021.Ped.82.03 рақамли Илмий
кенгашнинг 2022 йил "18" апрел кuni соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади.
(Манзил: 111720, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 104-уй. Тел.:
(+998) 70-712-27-55; факс: (+998) 70-712-45-41; e-mail: chdpi-kengash@umail.uz).


Диссертация билан Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг
Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (92 рақам билан рўйхатга олинган).
Манзил: 111720, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 104-уй. Тел.:
(+998) 70-712-27-55; факс: (+998) 70-712-45-41


Диссертация автореферати 2022 йил "4" апрел кuni тарқатилди.

(2021 йил "4" апрел даги 25 рақамли реестр баённомаси).




Ж.Э.Усаров
илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш раиси, п.ф.д. (DSc), доцент


Д.М.Махмудова
илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш котиби, педагогика фанлари
буғича фалсафа доктори (PhD), доцент


Р.А.Эшчанов
илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда бутун жаҳонда физика ўқитиш асосида таълим олувчларнинг касбий компетенцияларини ривожлантириш, физика таълимида ахборот технологияларини қўллаш, виртуал лаборатория машғулотларидан кенг миқёсда фойдаланиш, интерактив дастурий воситалар, визуал моделлар, мультимедиа электрон ресурслар яратиш, тажрибаларга асосланган таълимни (experiential-learning) жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Копенгаген Декларациясида математик ва табиий-илмий фанлардан таълим хизматларини визуаллаштириш ҳамда ахборот технологиялари ютуқларини татбиқ этиш орқали таълим сифатини баҳолаш жараёни ва воситаларини такомиллаштириш, таҳлилий натижаларни умумлаштириш ҳамда хулосалаш механизмларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Дунёнинг тараққиётини таъминловчи асосий омиллардан бири – таълим ва тарбия эканлиги алоҳида таъкидланади. Олий таълим сифатини таъминлашдаги муаммоларни бартараф этишда амалий жиҳатдан турли ёндашувлар, тадбирлар амалга оширилмоқда. Бундай ёндашувларга олий таълим мазмунини янгилашга уринишлар (дарсликлар, ўқув қўлланмалар), янги ўқув ва илмий манбаларни (чет эл дарсликлари ва методлари) жорий этиш, битирувчиларни халқаро академик мобиллигини таъминлаш (Болонья ва бошқалар) каби жараён ва қоидаларни келтириш мумкин. Барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиш учун дастурчи мутахассисларни тайёрлаш муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Хусусан, техника олий ўқув юртларида назарий билимларни амалиёт билан боғлай оладиган дастурчиларни тайёрлашга бўлган эҳтиёжлари билан изоҳланади. Жамиятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг истиқболли вазифаларини ҳисобга олиш, талабаларга физика фанини фанлараро интеграцион ўқитиш орқали компетентли дастурчиларни тайёрлаш заруратини тақозо қилади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислохотларнинг пировард мақсади – халқ манфаатлари ва фаровонликларини оширишдан иборат. Бундай вазифаларни бажариш учун эса, авваломбор, барқарор таълим тизимини яратиш зарур бўлади. Шунинг учун оммавий ахборот воситалари, илмий нашрлар, ижтимоий тармоқлардаги фикрларнинг жуда катта фоизини таълим соҳасидаги муаммолар ташкил этиши ҳеч кимга сир эмас. Бундай тенденцияларни мамлакатимиз миқёсида ҳам содир бўлаётганини бевосита кузатиш мумкин. Замонавий олий таълим мезон ва нормаларига тўғри келадиган таълим, хусусан, техника олий ўқув юртларида физика таълимининг мазмунини лойиҳалаштириш зарурати мавжуд. Бўлажак дастурчиларни тайёрлашнинг муҳим вазифаларидан бири физика ўқитишда таълим методларидан ва дастурлаш тилларидан фойдаланишдир. Ушбу вазифаларни техника олий таълим муассасаларида амалга ошириш физика курсининг алоҳида бўлимларини ўқитишнинг шундай бир методик тизимини яратиш лозимки, унда таълимнинг мазмуни, мақсади, вазифаси ва барча

компонентлари ўртасидаги ўзаро алоқадорликни таъминлаш бўлажак дастурчиларни лойиҳавий-конструкторлик фаолиятга тайёрлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4942 сонли Фармони¹, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган устивор вазифаларни амалга оширишда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 мартдаги ПҚ-5032-сон “Физика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг ижросини таъминлашда мазкур илмий тадқиқот иши бевосита хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Физика соҳасида фаннинг назарий асослари, талабаларда илмий дунёқарашни ривожлантиришнинг ўзига хос методик жиҳатларини ишлаб чиқиш муаммолари республикамиз олимлари Б.М.Мирзаҳмедов, М.Жораев, О.Н.Аҳмаджонов, С.Қ.Қаххоров, Ю.М.Пўлатов, М.Қурбонов, К.Р.Насриддинов, Б.М.Нуриллаев, А.М.Худайбергенов, Г.Э.Карлибаева, М.Ю.Мансурова, Х.М.Маҳмудова, Г.Сағатова, М.И.Даминов, И.У.Билолов, Ш.Ш.Ҳайдарова, Ф.Ф.Тошмуҳаммедов, З.С.Баҳодирова, Д.А.Бегматова ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Олий таълимда мутахассислар тайёрлашда ахборот-коммуникация технологияларининг ўрни, таълим сифатини оширишни дастурий воситалар асосида такомиллаштириш масалалари соҳа олимларидан У.Ш.Бегимқулов, А.Д.Асқаров, Н.А.Қаюмова, Г.А.Умарова ва бошқалар томонидан олиб борилган илмий тадқиқот ишларида ўз аксини топиб, таълим жараёнини ташкил қилишнинг мазмуни ва усуллари, таълим сифатини оширишда дастурий воситаларнинг самарали ўрни ёритиб берилган.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4942-сонли Фармони.

МДХ мамлакатлари олимларидан Е.В.Лисичко, Н.Г.Печенюк, Е.Б.Селиванова, Р.П.Фоминих, А.Е.Айцензон, А.А.Измаилов, Л.М.Коренков, В.В.Ларионов, Л.В.Масленников, И.А.Мамаев, А.А.Червова ва бошқаларнинг илмий тадқиқот ишлари кредит-модул тизимида физика ўқитиш асосида дастурчиларнинг касбий компетенцияларини ривожлантириш муаммоларига бағишланган; хорижий олимлардан D.Hercules, D.A.Harrington, Haiqing Hu, D.Callahan ва бошқалар физика фанини фанлараро интеграцион ўқитиш методикаси бўйича илмий изланишлар олиб боришган.

Юқоридаги илмий ишлар таҳлили бугунги ахборот тезкорлиги даврида олий таълимда физикадан машғулотларни ташкил қилиш ва бажариш жараёнлари махсус тадқиқот йўналиши сифатида танланмаганлигини кўрсатиб, бўлажак дастурчиларни тайёрлашда дастурий воситалар, виртуал ишланмалар ҳамда методик таъминотнинг назарий ва амалий асосларига зарурат мавжудлигини аниқлаш имконини берди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти илмий тадқиқот ишлари режасининг 2017-2020 йилларга мўлжалланган “Педагогик таълим инновацион кластери” устувор йўналиши ҳамда Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиали илмий тадқиқот ишлари режасининг АИФ-2/15 рақамли “Ўзбекистонда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида олий таълим тизимида масофавий таълимни ташкил этиш модели ва технологиясини ишлаб чиқиш” мавзуси лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: Техника олий таълим муассасаларида “Дастурий инжиниринг” бакалаврият таълим йўналиши талабаларига чизиқли ва визуал дастурлаш асосида физика ўқитиш методикасини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

чизиқли ва визуал дастурлаш асосида физика ўқитиш орқали бўлажак дастурчиларнинг касбий компетентлигининг мазмуни, компонентлари, мезонлари ва компетенцияларнинг ўзаро алоқадорлигини аниқлаш;

“Дастурий инжиниринг” йўналиши талабаларига чизиқли ва визуал дастурлаш асосида физика ўқитиш орқали касбий компетентлигини шакллантиришнинг методик моделини ишлаб чиқиш;

дастурлаш тилларидан фойдаланиб, физикадан педагогик дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқиш, фанлараро интеграцион ўқитиш асосида талабаларнинг касбий компетентлигини шакллантириш методикасини такомиллаштириш;

бўлажак дастурчиларни физикадан таълим жараёнида зарурий касбий компетенцияларини шаклланганлик даражаларини аниқлаш ва методик таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти: Техника олий таълим муассасаларида “Дастурий инжиниринг” бакалавриат таълим йўналиши талабаларига чизиқли ва визуал дастурлаш асосида физика ўқитиш жараёни.

Тадқиқотнинг предмети: Техника олий таълим муассасаларида “Дастурий инжиниринг” йўналиши талабаларига чизиқли ва визуал дастурлаш асосида физика ўқитишнинг мазмуни, шакли, метод ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Психологик, педагогик, математик, табиий-илмий, умумқасбий ҳамда ихтисослик фанларига доир адабиётларни тадқиқот муаммоси ва фанлараро узвийлик нуқтаи назаридан ўрганиш, таҳлил қилиш; “Дастурий инжиниринг” бакалавриат таълим йўналиши бўйича Давлат таълим стандартлари (ДТС)нинг таҳлили; математик ва табиий-илмий, умумқасбий ҳамда ихтисослик фанлари бўйича ўқув, ўқув-методик адабиётлар таҳлили; техника олий таълим муассасалари тажрибасини умумлаштириш; талабалар фаолиятини кузатиш, ўқитувчилар билан суҳбат қилиш; талабалар ва ўқитувчилар ўртасида сўровномалар ўтказиш, педагогик тажриба-синовини олиб бориш ва унинг натижаларини математик-статистика методлари ёрдамида қайта ишлашдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бўлажак дастурчиларга интерфаол таълим методларидан (Case-Study, Cluster, Modeling, Insert) ҳамда компьютерда дастурлаш воситаларидан (RAD Studio, Android Studio) фойдаланиб, физика ўқитишнинг концептуал методик тизим моделига асосланган талабаларнинг касбий фаолиятга тайёргарлигини шакллантиришнинг методик модели тизимли, модулли, интегратив, компетенциявий ва методологик ёндашувлар асосида ишлаб чиқилган;

техника олий таълим муассасаларида “Дастурий инжиниринг” бакалавриат таълим йўналиши талабаларининг ишлаб чиқариш ва созлаш, лойиҳалаш, конструкциялаш, ташкилий-бошқарув, тадқиқодчилик педагогик касбий фаолиятга тайёрлаш методикаси физика ўқитишда физикавий ҳодиса ва жараёнларни имитацион модели чизиқли дастурлаш (Dev C++) ҳамда визуал дастурлаш (Visual C++) асосида такомиллаштирилган;

талабаларнинг яратувчанлик, ижодкорлик, бошқарувчанлик каби дастурий инжиниринг мутахассислигига хос сифатларини моделлаштириш, алгоритмлаш, лойиҳалаш, дастурлаш, визуаллаштириш касбий компетенцияларининг шаклланганлигини ҳамда касбий фаолиятга тайёргарлик даражаларининг баҳолаш мезонлари ва индикаторларини ишлаб чиқиш натижасида аниқлаштирилган;

бўлажак дастурчиларнинг математик табиий-илмий (физика), умумқасбий (дастурлаш), ихтисослик (дастурий инжинирингга кириш), кўшимча ихтисослик (объектга йўналтирилган дастурлаш) фанларини фанлараро интеграцион ўқитишнинг ахборий-дидактик таъминоти дастурлаш тилида электрон ўқув қўлланма ишлаб чиқиш асосида мазмунан ривожлантирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бўлажак муҳандисларнинг касбий компетентлигини илмий билиш методи асосида физика ўқитишда таълим методлари (муаммоли таълим,

кўргазмали таълим, лойиҳалаш, тадқиқотчилик, кластер ва бошқалар)дан самарали фойдаланилган ва дастурий воситалар устуворлигини таъминлаган ҳолда бўлажак дастурчиларнинг касбий компетенцияларини шакллантиришга хизмат қилувчи “Физикадан электрон услубий қўлланма” ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган;

бўлажак дастурчиларни ишлаб чиқариш ва созлаш, лойиҳалаш, конструкциялаш, ташкилий бошқарув, тадқиқотчилик ва педагогик компетенцияларини шаклланганлик даражаларини оширишда чизиқли (DevC++) ва визуал дастурлаш (Visual C++)дан самарали фойдаланилган, шу билан бирга, физика ўқитиш асосида талабаларни лойиҳавий-конструкторлик фаолиятга тайёрлашнинг методик модели ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган;

бўлажак дастурчиларни лойиҳалаш, яратувчанлик, конструкторлик тадқиқотчилик каби касбий компетенцияларини шакллантиришга қаратилган дастурлаш тиллари асосида физикага доир “Изожараёнларни ўрганиш” электрон дастури ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги: таълим ривожланиши-нинг замонавий тенденцияларига жавоб берувчи назарий қоидалар ва тамойилларнинг асосли танлови; танланган методларнинг тадқиқотимиз мақсадлари ва вазифаларга мослиги; педагогик тажриба синов ишларнинг ижобий натижалар билан изоҳлангани; тадқиқотимиз физика ўқитиш тамойилларига, педагогик психология ва методика фанларининг ютуқларига таянгани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти: Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти таклиф қилинган методика талабаларнинг илмий фикрларини ривожлантириш, таълим жараёнида замонавий ахборот ва педагогик технологияларни жорий қилиш, физикадан маъруза, амалий, лаборатория машғулотларини ташкил қилишда дастурлаш тилидан фойдаланиш методикасини такомиллаштиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олий таълимда физикага оид маъруза, амалий, лаборатория машғулотларининг мазмуни, замонавий ўқув-методик, дастурий таъминотини яратиш ҳамда ўқитишнинг илғор таълим технологияларини ишлаб чиқиш ва таълим жараёнида қўллаш таълим сифати ҳамда самарадорлигини ошириш учун хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Чизиқли ва визуал дастурлаш асосида физика ўқитиш методикасини такомиллаштириш юзасидан ишлаб чиқилган услубий ва амалий таклифлар асосида:

“Дастурий инжиниринг” бакалавриат таълим йўналиши талабаларига математик табиий-илмий (физика), умумкасбий (дастурлаш) ва ихтисослик (дастурий инжинирингга кириш) фанлари интеграцияси асосида физикадан таълим беришда чизиқли дастурлаш (Dev C++) ва визуал дастурлаш (Visual C++)дан фойдаланиб касбий фаолиятга тайёрлаш методикасига оид фоялардан 2019-2021 йилларда АТР-2/15 “Ўзбекистонда замонавий ахборот-

коммуникация технологиялари асосида олий таълим тизимида масофавий таълимни ташкил этиш модели ва технологиясини ишлаб чиқиш” мавзусидаги илмий лойиҳада фойдаланилган (Қарши муҳандислик-иктисодиёт институтининг 27.12.2021 йилдаги 04/1-3338 рақамли маълумотномаси). Натижалар физика таълими жараёнида талабаларнинг касбий фаолиятга тайёргарлигининг ривожланишига хизмат қилган;

техника олий таълим муассасаларида “Дастурий инжиниринг” бакалаврият таълим йўналиши талабаларининг ишлаб чиқариш ва созлаш, лойиҳалаш, конструкциялаш, ташкилий-бошқарув, тадқиқодчилик педагогик касбий фаолиятга тайёрлаш методикаси физика ўқитишда физикавий ҳодиса ва жараёнларни имитацион моделини чизикли дастурлаш (Dev C++) ҳамда визуал дастурлаш (Visual C++) асосидаги тавсияларидан АИФ-2/17 рақамли “Ўзбекистон олий таълим муассасалари ўқув жараёнини ташкил этишда янги технологиялар” мавзусидаги илмий лойиҳада фойдаланилган (ҚДУнинг 25.12.2021 йилдаги 03/6581 рақамли маълумотномаси). Натижада ишлаб чиқилган методик модел бўлажак дастурчиларнинг касбий компетентлигини шакллантиришга ёрдам берган;

замонавий визуал дастурлаш муҳитида физика ўқитиш орқали талабаларнинг яратувчанлик, ижодкорлик, бошқарувчанлик каби “Дастурий инжиниринг” мутахассислигига хос сифатларини моделлаштириш, алгоритмлаш, лойиҳалаш, дастурлаш, визуаллаштириш касбий компетенцияларини шаклланганлигини ҳамда касбий фаолиятга тайёргарлик даражаларининг баҳолаш мезонлари ва индикаторларини ишлаб чиқишга доир педагогик дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқилган (Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг №DGU 12297 ва №DGU 13925 рақамли гувоҳномалари). Натижада мазкур дастурий маҳсулотлар бўлажак дастурчиларни касбий фаолиятга тайёрлашда ва физика таълимининг самарадорлиги ошишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий-услубий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган ҳамда электрон дарслик ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 135 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, диссертация мавзуси бўйича муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади, вазибалари, объекти, предмети аниқланган, шунингдек, тадқиқот иши фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларининг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Чизиқли ва визуал дастурлаш асосида физика ўқитишнинг илмий-назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида бўлажак дастурчиларнинг лойиҳавий-конструкторлик фаолиятини ривожлантиришда физика фанининг ўрни, компетентли ёндашув асосида талабаларни лойиҳавий конструкторлик фаолиятга тайёрлашда физикавий билимлардан фойдаланиш усуллари ҳамда талабаларнинг касбий тайёргарлигини физика ўқитиш асосида ривожлантиришни моделлаштириш келтириб ўтилган.

Физика фанининг асосий мақсади – физика фани дастури техника йўналишларининг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, таълим таълим йўналишига ажратилган соатлар доирасида физика фанининг турли турдаги машғулотларида талабаларга физикавий жараёнлар ва қонунларни, уларнинг илмий асосларини, назарий ва амалий муҳандислик малалаларни ечиш учун зарур бўлган физикавий тушунчалар ҳамда қоидаларни ўрганиш ва таништиришни; босқичма-босқич билимларни мустаҳкамлаб, чуқурлаштириб бориш орқали ижодий изланиш ва мантиқий фикрлаш қобилиятларини ўстиришни; уларнинг илмий-техникавий дунёқарашини шакллантиришни; замонавий техника воситалари билан танишиш ва улардан фойдаланиш кўникмаларини шакллантиришни амалга оширишга мўлжалланган.

Таҳлил жараёнида техника олий таълим муассасаларида физикадан масалалар ечиш бўйича қуйидаги муаммолар аниқланди: 1) амалий машғулотларда физик масалаларни ечишда дастурлаш шартларидан фойдаланилаётган бўлса-да, амалиётга йўналтирилмаган; 2) масалалар ечишда математик аппаратдан юқори савияда фойдаланилган, аммо алгоритмлаш, моделлаштириш, визуаллаштириш имкониятларидан фойдаланилмаган; 3) талабларда физик масалаларни ечишда унинг қийматини топиш кўникмаси шакллантирилади, аммо унинг мутахассислигига, яъни касбий фаолият турларига аҳамият берилмаган.

Физик ҳодиса ва жараёнларни лойиҳалаш ҳамда конструкциялаш мураккаб фаолият бўлиб, кўпгина амалларни бажаришдан иборат. Жумладан, у ўз ичига қуйидагиларни олади: берилган муаммоли масаланинг алгоритмини тузиш, алгоритмга асосланган блок схемани ишлаб чиқиш, блок схема асосида модел ишлаб чиқиш, ишлаб чиқилган модел асосида формаллаштириш, математик моделлаштириш, автоматлаштириш, визуаллаштириш, дастурлаш (C++), компиляцияни амалга ошириш, тажриба-

синовдан ўтказиш ва бошқалар. Кўриб турганингиздек, баъзи ҳаракатлар физика курсини ҳамда дастурлаш муҳотида ишлашни билмасдан амалга оширилиши мумкин эмас.

Физика курсини ўрганишда бўлажак дастурчиларни лойиҳалаш ва конструкциялаш компетенцияларини шакллантириш учун зарур бўлган қуйидаги таркибий қисмларни ўз ичига олади: касбий фаолият объектига кирувчи физик жараёнларни классификациялаш; назарий ва экспериментал тадқиқотлар асосида касбий фаолият объектларига хос бўлган жараён (ҳодиса)нинг физик хусусиятларини аниқлаш; математик тенгламалар кўринишидаги физик жараён ва ҳодисаларнинг касбий фаолияти доирасидаги базасини намоён этиш; касбий фаолият вазифаларини ҳал қилиш учун асосий физик қонунларни танлай олиш.

Компетенциялар икки гуруҳга бўлинади: умумий ва махсус. Биринчиси меҳнат объекти ва субъектига боғланган. Иккинчиси касбий малакани рефлексиялайди.

А.К.Маркова бир неча турдаги касбий компетентликни аниқлайди, унинг мавжудлиги инсоннинг касбий фаолиятидаги етуқлигини кўрсатади:

махсус компетентлик – ҳақиқий касбий фаолиятни етарли даражада юқори даражада билиш, уларнинг кейинги касбий ривожланишини лойиҳалаштириш қобилияти;

ижтимоий компетентлик – биргаликдаги касбий фаолият, ҳамкорлик ҳамда шу касб бўйича қабул қилинган касбий мулоқот усулларини билиш; ўз меҳнат натижалари учун ижтимоий жавобгарлик;

шахсий компетентлик – шахсий ўз-ўзини ифодалаш ва ўз-ўзини ривожлантириш методларига, шахснинг касбий деформацияларига қарши туриш;

индивидуал компетентлик – ўз-ўзини англаш ва касб доирасида индивидуалликни ривожлантириш, касбий ва шахсий ўсишга тайёрлик, ўз-ўзини ташкил этиш.

Биз олий таълимда физика ўқитиш жараёнида бўлажак дастурчиларнинг касбий компетенцияларини шакллантириш зарурлигини аниқладик ва уларни қуйидагича белгиладик: ишлаб чиқариш ва созлаш, лойиҳалаш, конструкторлик, тадқиқотчилик, бошқарув.

Физика бўйича билимлардан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган бўлажак дастурчиларнинг лойиҳавий-конструкторлик фаолиятининг босқичларини ажратиш мумкин. Улар қуйидагилар: 1) физик объектнинг моделини қуриш; 2) алгоритмлаш ва блох схемасини қуриш; 2) математик моделлаштиришни амалга ошириш; 3) дастурлаш (RAD Studio, Android Studio) ва (C++, Visual C++); компиляция жараёнини амалга ошириш.

Физикавий билимларга асосланган ҳолда механиканинг физик асосларини ўрганиш ва механик ҳаракатни визуаллаштириш босқичлари 1-жадвалда келтирилган.

Касбий компетентликни шакллантирувчи босқичларини бажариш учун зарур бўлган билимлар (физик жараёнларни визуаллаштириш)


Физикавий билимлардан фойдаланган ҳолда физик объектни лойиҳалашнинг босқичлари	Лойиҳалаш фаолияти босқичларини бажаришнинг умумлашган методи	Амалларни бажариш учун зарур бўлган билимлар
Физиканинг механика асосларини ўрганиш	Объектни ёки унинг алоҳида элементини танлаш	Объект тушунчаси
	Объект ёки унинг алоҳида элементи бўйича турларини аниқлаш	Физик объектга ёки унинг алоҳида элементига таъсирларни аниқлаш
	Физикавий ҳодисалар	Танланган объект ҳолатининг ўзгаришини намоён этувчи физик ҳодисалар ҳақида
	Лойиҳаланаётган объект ёки унинг алоҳида элементи ҳаракатининг график моделини чизиш	Объектнинг алоҳида элементлари
	Физик қийматларни аниқлаш	Физик катталиклар
	Физик объектларнинг ёки унинг алоҳида таркибий элементларини аниқлаш	Физик қонунлар
	Физик катталикларни ҳисоблаш	Тенгламалар системасини
Механик ҳаракатни визуаллаштириш	Дастурлаш тилини танлаш	Дастур тушунчаси
	Алгоритмлаш	Амаллар кетма-кетлигини
	Моделлаштириш	Моделни ҳаракатлантириш
	Дастурлаш	Дастур кодларини киритиш
	Компиляциялаш	Дастур кодларини компьютер тилига ўгириш
	Тажриба-синов	Дастурни синовдан ўтказиш

Методик моделни ишлаб чиқишда тамойиллардан асос сифатида фойдаландик: политехник тамойил; мобиллик тамойили; таълимда кредит-модулли ўқитиш тамойили; мунтазамлик ва изчиллик тамойили; шарт-шароит яратиш тамойили; педагогик жараёни автоматлаштириш тамойили; таълимни ишлаб чиқариш билан боғлаш тамойили, назария ва амалиётнинг бирлиги; олий ҳарбий таълим жараёнида касбий фаолиятни моделлаштириш тамойили; иқтисодий мақсадга мувофиқлик тамойили.

Бўлажак дастурчиларни физика ўқитиш орқали касбий компетентлигини ривожлантиришнинг методик модели 1-расмда кўрсатилган.

Таклиф этилаётган моделнинг функционал аспекти модел таркибининг бешта блокининг ҳар бири муайян функцияларни бажариши билан таъминланади. Таркибий-тузилмавий аспект моделнинг компонентли таркибини аниқлайди. Мазкур таркиб бешта ўзаро боғлиқ ва бир-бирини

тўлдирувчи блокларни ўз ичига олади: мақсадли, ташкилий-мазмунли, технологик-жараёнли, таъхислаш ва натижавий блок.



1-расм. Бўлажак дастурчиларни физика ўқитиш орқали касбий компетентлигини ривожлантириш модели.

Физика ўқитиш асосида бўлажак дастурчиларни лойиҳавий-конструкторлик фаолиятга тайёрлаш методикаси биз томинимиздан ишлаб чиқилган методик моделдан тизимли ва самарали фойдаланиш орқали амалга оширилади. Бунда талабаларни физикадан ўқитиш қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилди: “Дастурий инжиниринг” бакалаврият таълим йўналиши малака талабларини тўлиқ ўрганиб чиқиш; фанлараро интеграцияни таъминлаш; ўқитишнинг дидактик таъминотини такомиллаштириш; ўқитиш давомида замонавий педагогик технологиялар, интерфаол таълим методлари ва таълим технологияларини самарали қўллаш орқали зарурий касбий компетенцияларни ривожлантириш; педагогик тажриба-синов ишларини амалга ошириш ва биз томинимиздан ишлаб чиқилган методик моделнинг самарадорлигини текшириш, натижаларни математик-статистик қайта ишлаш.

Диссертациянинг **“Чизиқли ва визуал дастурлаш асосида физика ўқитиш методикаси”** деб номланган иккинчи бобида “Чизиқли ва визуал дастурлаш асосида физика ўқитишнинг методик модели”ни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, физикадан талабаларни лойиҳавий-конструкторлик фаолиятга тайёрлашга қаратилган маъруза, амалий ва лаборатория машғулотларини ташкил этиш ҳамда кредит тизимида физика фанини фанлараро интеграцион ўқитиш асосида талабаларни лойиҳавий-конструкторлик фаолиятга тайёрлаш методикаси келтириб ўтилган.

Мотивацион босқичда талабаларнинг физикавий ҳодиса ва жараёнларни лойиҳалаш ҳамда конструкциялаш фаолиятини ўзлаштиришлари учун касбий вазиятни тавсифловчи, уларни ҳал этиш қийинчилик туғдирадиган аниқ вазифалар таклиф этилади.

Методологик босқичда лойиҳавий-конструкторлик фаолиятининг муайян босқичини амалга ошириш учун умумлаштирилган ҳаракатлар тизимини ажратишдан иборат. Физиканинг турли бўлимлари ҳақидаги билимлардан фойдаланган ҳолда лойиҳавий-конструкторлик фаолияти босқичларини бажаришнинг умумлашган усуллари тегишли мавзуларни изчил ўрганиш билан очиб берилади.

Шакллантирувчи босқич. Методологик босқичдан сўнг талабалар физикавий масалаларни ечиш учун ҳаракатларни режалаштиришга ўргатилади.

Лойиҳавий-конструкторлик муаммоларни мустақил ҳал қилиш босқичида физика дарсларида ва махсус фанларни ўрганишда, битирув малакавий иши доирасида, курс лойиҳаларини амалга оширишда техник мазмундаги физикавий муаммоларни, жумладан, лойиҳавий-конструкторлик фаолиятининг ҳар қандай босқичини тўлиқ мустақил ҳал қилишни ўз ичига олади.

Бўлажак дастурчи ўз йўналишининг асосий касбий фаолиятини танлай олса, уни муайян босқичларга ажратиб, ҳар бир босқични физикавий

билимлардан фойдаланиб бажариш йўллари ишлаб чиқса, кейинчалик, ўқитувчи талабаларни дастурчиликнинг асосий амалий фаолияти лойиҳалаш ва конструкциялаш эканлигини кўрсатиб бера олади, унинг мазмуни 2-расмда кўрсатилган блок-схемада келтириб ўтилган.




2-расм. Физика ўқитишнинг алгоритмик блок-схемаси.

Кредит-модул тизмида физикадан маъруза, амалий ва лаборатория машғулотларини ўқитиш формализмга қарши курашда ишончли воситага айланади; назария ва амалиёт ўртасидаги узвийликни таъминлашга ёрдам беради; илм-фан ва технология ўртасидаги алоқани янада аниқ кўрсатишга имкон беради; мантиқий фикрлашни ривожлантиришга ҳисса қўшади, тажриба ўтказиш, қурилмаларни бошқариш кўникмаларини эгаллаш; олинган физикавий билимлар тизимини мустаҳкамлаш, кенгайтириш ва чуқурлаштириш, физикавий билимлар тизимини шакллантириш самарадорлигини ошириш имконини беради. Бундан ташқари, яхши ташкил этилган лаборатория машғулоти талабаларни лойиҳавий-конструкторлик фаолиятга тайёргарлигини ривожлантиришга хизмат қилади.

“Дастурий инжиниринг” йўналиши ўқув режасидан “Физика”, “Дастурлаш”, “Дастурий инжинирингга кириш”, “Объектга йўналтирилган дастурлаш” фанларини танлаб олинди ва фанлараро интеграцияси амалга оширилди (3 расм).

Бўлажак дастурчи, биринчи навбатда, физика бўлимларини билиши керак: механик ҳаракат, молекуляр кинетик назария, термодинамика асослари, электростатика, оптика, квант механикаси, атом ва ядро физикаси. “Дастурлаш” – бу умумқасбий фан бўлиб, у қуйидаги фанлар билан боғлиқ: физика, математика, дастурий инжиниринга кириш, объектга йўналтирилган дастурлаш. “Дастурлаш” бошқа фанларни ўрганиш ва уларни амалда қўллаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Дастурлаш масалаларини ҳал қилишда турли хил физик методлар ва уларни ечиш усуллари математик табиий-илмий ҳамда ихтисослик фанлардан тайёргарлигини амалий мазмун билан тўлдиришни талаб қилади.



3-расм. Фанлараро интеграция.

Талабалар томонидан мавжуд муаммонинг аҳамиятини англаш нафақат физика бўйича билим олиш ва уларни ихтисослик фанларни ўрганишда қўллашга бўлган қизиқишни, балки уларнинг касбий компетентлигини шакллантиришда бу билимларнинг аҳамиятини англаш ҳам муҳим аҳамиятга эга эканлиги кўрсатади.

Ушбу фанларни танлашнинг долзарблиги, биринчи курсда физикани ўрганиш дастурий инжиниринг йўналиши талабалари учун физика курсининг энг муҳим бўлимларидан бири бўлган “Механика” бўлимидан бошланади. Ушбу бўлимга оид билимлар нафақат физика курсини ўрганиш учун, балки “Механика” бўлимнинг бошқа фанлар билан ички ва мавзулараро интеграциясини таҳлил қилишни тасдиқлайдиган умумқасбий ҳамда ихтисослик фанларни ўрганишда ҳам зарур.

Физикадан таълим жараёни учун механика, молекуляр физика ва термодинамика асослари, электродинамика; оптика; квант механикаси, атом ва ядро физикаси бўлимларини ўз ичига олувчи “Физикадан электрон дарслик” ишлаб чиқилди.


Ўқитишда фанлараро ёндашувни такомиллаштириш нуқтаи назаридан, тегишли фанларни чуқурроқ ва батафсилроқ ўрганиш, ҳар қандай фан бўйича тайёргарлик кўриш, кириш курси алоҳида аҳамиятга эга.

Компьютер имитацион моделлар – компьютер виртуал технологияларнинг асосий элементлари ҳисобланади. Имитация (лотинча “imitation” – тақлид) – кимгадир ёки нимагадир тақлид қилиш, ўхшатиш, қабул қилиш, такрорлаш. Шуларни ҳисобга олиб, физик жараёнларни визуаллаштиришда имитацион моделлаштириш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Бизнинг тадқиқотимизда методика нафақат ички мавзу алоқалари билан, балки умумқасбий фанларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда айрим

тушунчаларни олдиндан ўрганиш зарурати билан белгиланади, бу талабаларнинг касбий компетентлигини шакллантиришга ёрдам беради.

Бўлажак дастурчиларни физикадан маъруза, амалий, лаборатория, мустақил таълим, тўғарак машғулотида лойиҳавий-конструкторлик фаолиятга тайёрлашнинг блок схемасини келтириб ўтамиз (4-расм).



4-расм. Бўлажак дастурчиларни лойиҳавий-конструкторлик фаолиятга тайёрлашнинг блок схемасини.

Дастурлаш тилидан фойдаланиб (C++ ва Visual C++) физика ўқитиш самарадорлиги куйидагилардан иборат бўлади:

1. Вақт самарадорлиги;
2. Иқтисодий самарадорлик;
3. Хатоликлар самарадорлиги;
4. Техник ва экологик самарадорлик;
5. Лойиҳавий-конструкторлик фаолиятга тайёрлаш самарадорлиги.

Бўлажак дастурчиларга физикадан таълим беришда математик табиий-илмий, умумкасбий ва ихтисослик фанлар интеграциясини таъминлаш, физик

жараёнларни математик моделлаштириш, алгоритмлаш, дастурлаш, юқори сифатли дизайн, кенг қамровли педагогик тажриба-синов муҳим аҳамият касб этади. Фанлараро интеграцион ўқитиш компетентли дастурчиларни тайёрлашни кафолатлайди.

Диссертациянинг “**Педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва ўтказиш**” деб номланган учинчи бобида педагогик тажриба-синовни ташкил этиш, ўтказиш ва унинг таҳлилий натижалари келтирилган.

Педагогик тажриба-синов ишлари Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши, Самарқанд ва Урганч филиалларининг “Компьютер инжиниринг” факультети “Дастурий инжиниринг” бакалавриат таълим йўналиши талабалари билан биргаликда 2018-2019, 2019-2020, 2020-2021 ўқув йилларида олиб борилди. Педагогик тажриба-синов ишлари *қайд этувчи, изланувчи, таълим берувчи* босқичлардан ташкил топди. Педагогик тажриба-синов ишларида кафедра ўқитувчилари, таълим сифатини назорати ва диагностика бўлими ҳамда юқоридаги олий таълим муассасалари талабалари иштирок этдилар.

“Чизиқли ва визуал дастурлаш асосида физика ўқитиш методикасини такомиллаштириш” самарадорлигини баҳолаш учун қуйидаги мезонлар танланди:

Когнитив мезон (билиш ва тушуниш): бўлажак мутахассиснинг касбий маданияти асосида ётувчи умумилмий, умумкасбий, махсус билимларни эгаллаганлик даражасини, унинг интеллектуал қизиқувчанлиги, янги билимларни эгаллаши учун очиклигини ва бошқаларни акс эттиради.

